



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 12 март, № 48 (5722)

Сешанба

## Эъзоз топган қадриятлар

ифодаси миллий ҳунармандчилигимиз равнақида яққол акс этмоқда

Кўли гул, ҳунарманд кишиларга ҳурмат билан қараш, уларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос хислат. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Бойсун туманида ҳам азалий қадриятларни эъзозлаб келатганлар учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

### ФАРМОН ВА ИЖРО

Бунда Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари соҳа ривожига муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бойсун шаҳрининг Пойгабоши маҳалласида истиқомат қилаётган Шарофат Жўраева каштачиликда ном қозонган сулола вақиласи. У оилавий ҳунармандчиликни ардоқлаб, эл орасида обрў-эътибор топган ҳамюртларимиздан бири. Болалигида онаси Раҳима момодан ўрганган каштачилик, жамалаклар тўқиш, чимилдиқбоғ, бешиқбоғлар тиқиш сирларидан бугун қизлари, неваралари ҳамда қўни-қўшиларини воқиф этиб, уларнинг сеvimли устозига айланди.

Шарофат опанинг невараси, ёш ҳунарманд Маржона Исмаилова Бойсун қурилиш ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежида ўқийди. У ҳам каштачилик, дўппидўзлик ва қизларнинг ҳус-



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

нига ҳусн қўшадиган чиройли жамалаклар тўқиш сирларини мукамал ўрганган. Маржона момосининг уйда ўратилган чимилдиқбоғ ва бешиқбоғлар ҳамда жамалаклар учун ип йи-

гириладиган дастгоҳни ҳам моҳирлик билан бошқаради. Ўзи тиккан чиройли дўппилар, кашта ва чимилдиқбоғлар билан “Келажақ овози” кўрик-танловидан иштирок этиб, голиб бўлди.

Маржонанинг орзулари бир дошларини иш билан таъмин олам. У келгусида миллий ҳунармандчилик корхонасини ташкил этиб, қўллаб маҳалла-

(Давоми 4-бетда).

### Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Миллий матбуот маркази “Ўзкимёсаноат” ДАК тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2012 йил давомида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда компаниянинг жорий йилги муҳим режалари тақдироти ҳам ўтказилди.

● Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида ёш иқтидор эгаларининг биринчи кенгаши бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан ташкил этилган маъзур тадбирда олий ўқув юрларининг профессор-ўқувчилари, ёзувчилар, рассомлар, хайкалтарошлар ва ота-оналар қатнашди.

● Нурота тумани марказидан қарийб 100 километр узоқликда жойлашган Қўктепа қишлоғида “Сардор Жавоҳир” қурилиш ташкилоти бинокорлари томонидан 152 миллион сўм эвазига уч километрлик сув кувурлари ётқизиши билан аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

### ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган тураржойларга қараб, чин дилдан қувонасиз.

## Обод турмуш фароғати

Бу эзгу юмушларда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Биргина Бухоро вилоятида ўтган йили 630 та кўркам уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунинг исботидир.

— Уйимиз тўрт хонали, барча қулайликларга эга, — дейди Вобкент туманидаги Паноб аҳоли пунктида қад ростлаган намунавий уйлардан бирида истиқомат қилаётган Наргиз Худоева. — Бу ерда оиламиз билан бирга яшаймиз. Томорқамизга кулупнай, картошка экдик. Помидор ҳамда турли резавор кўкатлар ҳам ўзимиздан чиқади.

— Банк томонидан 15 йил муддатга имтиёзли кредит ажратилиши янги хонадон соҳибига ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, — дейди янги уйга ўз оиласи билан кўчиб ўтган Фаррух Баротов. — Қулайликларга келсак, яхшиси, уйимизга бориб, уни ўз кўзингиз билан кўра қолинг.

Банк ходими бўлиб ишлаётган бу йигитнинг маслаҳатига амал қилиб, Навбахор қўчасидаги уйга кириб бордик. Бизни унинг онаси, меҳнат фахрийси Саодат Шодиева илиқ қарши олди.

— Ўғлим отаси билан маслаҳатлашиб, намунавий уй-жойлардан бирини оламан, деганида барчамиз уни қўллаб-қувватладик, — дейди Саодат она. — Ниятларимиз рўёбга чиқди. Янги маҳаллага кўчиб келганимизга ҳам, мана, икки йил бўлиб қолди.

Келиним, икки неварам билан иссиқ, кенг ва ёруғ тўрт хонали уйда маза қилиб яшаймиз. Билсангиз, пишиқ гиштдан қурилган бундай хонадонлар жоннинг роҳати экан. Қишда иссиқ, ёзда салқин.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон «Outbound Travel Mart» сайёҳлик анжуманида

Яқинда Дехлида бўлиб ўтган “Outbound Travel Mart” (OTM) халқаро сайёҳлик ярмаркасида жаҳоннинг 13 мамлакати ҳамда Ҳиндистоннинг 22 штатида келган 400 дан зиёд сайёҳлик компаниялари ўзларининг сайёҳлик маҳсулотлари ва хизматларини намойиш қилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Алоҳида қайд этиш жоизки, халқаро сайёҳликка ихтисослаштирилган “OTM — 2013” анжумани чоғида Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига нисбатан катта қизиқиш билдирди. Юртимиз заминидagi тарихий обидаларнинг тасвирлари акс этган Ўзбекистон бўлмаси, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари қадимий шаҳарлар ҳамда улар бағрида жойлашган бетақорор ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам кўргазма қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

“Outbound Travel Mart” компаниясининг раиси ва ижрочи директори Санжив Агарвалнинг эътирофи этишича, қўшна тарихи, қўллаб меъморий обидалари, бетақорор табиати, тараққий топган транспорт ва меҳмонхона инфратузилмаси ҳамда юқори хизмат кўрсатиш даражасига эга

бўлган Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозоридаги ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. — Юртингизда шаҳарлар инфратузилмаси барқарор ривожлангани ҳолда янгидан-янги қорхоналар, йўллар ва меҳмонхоналар бунёд этилаётди, — деди С. Агарвал “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида. — Бу юртингизда туризм соҳасига, қадимий обидалар, маданият ва санъатни асраб-авайлашга бўлган улкан эътиборнинг натижаси ҳисобланади. Мазкур омиллар Ҳиндистонлик сайёҳлар учун Ўзбекистоннинг сеvimли ўлкалардан бирига айланишига хизмат қилапти. — Ўзбекистон саройлар, масжид ва мадрасалар, мақбаро миноралар сингари 4 мингдан ортиқ қадимий обидаларга эга ноёб ҳамда бетақорор мамлакатдир, — деди “UniGoin Touts & Travels” компанияси

директори Гурдип Каур. — Буюк аждодлардан қолган маънавий мерос, ҳунармандчиликнинг асрий анъаналари республиканинг сайёҳлик салоҳиятини янада бойитди. Шу боис Ўзбекистон ҳозирги вақтда кўпдан-кўп хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. “The Voyagers” компанияси директори Сарика Сингх Ўзбек халқининг самимиети ва меҳмондўстлигини юқори баҳолаётгани, ўлкамиз гўзал табиати, бой ва ранг-баранг маданияти, тансиқ миллий таомлари, бетақорор жозибаси билан бутун дунё ахлини ўзига маҳлиё қилаётганини эътироф этди.

“Сайёҳларимиз ҳар сафар юртингиздан ажойиб ва унутилмас таассуротлар билан қайтишади, — деди С. Сингх. — Шу ўринда бизнинг компаниямиз Ҳиндистонлик сайёҳларга Шарқ гўзаллиги, маҳобати ва меҳмондўстлигини ўзида мужассам этган Ўзбекистон бўйлаб ажойиб саёҳатдан қайтишлари учун қўлай имконият яратиб келатганидан мамнун эканлигимизни қайд этишни истар эдим”, дея ўз фикрини янқлади у. «Жаҳон» АА. Дехли

(Давоми 4-бетда).

### ТУҲФА

## Спортчи қизларга — Президент совғалари

Таълим муассасаларининг спорт билан доимий шугулланаётган ўқувчи қизлари, боқувчисини йўқотган ва давлат тасарруфида бўлган болалар муассасаларининг тарбияланувчиларига Президент совғаси — спорт кийимларини топширишга бағишланган тадбирлар жойларда тантанали руҳда ўтказилди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қиладилар.

### ЖИЗЗАХ

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан вилоят бўйича 25 минг нафардан зиёд ўқувчи қизларга Президент совғалари — спорт либослари тантанали равишда топширилди. Масалан, вилоят марказидаги теннис мажмуасида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вақиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Шу куни шаҳардаги 29-Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда спортга илк қадам қўётган ёки мунтазам шугулланаётган 1280 нафар қиз давлатимизнинг бекиёри гамаҳурлигидан баҳраманд бўлди. Уларга бежирим спорт кийимлари совға сифатида улашилди.

(Давоми 2-бетда).

### ЭЪТИБОР

## Шу азиз Ватаннинг бахтли қизиман

Юртимизда бугун биз, ёшларга қаратилаётган ўқувчи қизларга Президент совғалари билан вилоят бўйича 25 минг нафардан зиёд ўқувчи қизларга Президент совғалари — спорт либослари тантанали равишда топширилди. Масалан, вилоят марказидаги теннис мажмуасида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вақиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Шу куни шаҳардаги 29-Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда спортга илк қадам қўётган ёки мунтазам шугулланаётган 1280 нафар қиз давлатимизнинг бекиёри гамаҳурлигидан баҳраманд бўлди. Уларга бежирим спорт кийимлари совға сифатида улашилди.

Юртимизда бугун биз, ёшларга қаратилаётган ўқувчи қизларга Президент совғалари билан вилоят бўйича 25 минг нафардан зиёд ўқувчи қизларга Президент совғалари — спорт либослари тантанали равишда топширилди. Масалан, вилоят марказидаги теннис мажмуасида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вақиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Шу куни шаҳардаги 29-Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда спортга илк қадам қўётган ёки мунтазам шугулланаётган 1280 нафар қиз давлатимизнинг бекиёри гамаҳурлигидан баҳраманд бўлди. Уларга бежирим спорт кийимлари совға сифатида улашилди.

Юртимизда бугун биз, ёшларга қаратилаётган ўқувчи қизларга Президент совғалари билан вилоят бўйича 25 минг нафардан зиёд ўқувчи қизларга Президент совғалари — спорт либослари тантанали равишда топширилди. Масалан, вилоят марказидаги теннис мажмуасида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вақиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Шу куни шаҳардаги 29-Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда спортга илк қадам қўётган ёки мунтазам шугулланаётган 1280 нафар қиз давлатимизнинг бекиёри гамаҳурлигидан баҳраманд бўлди. Уларга бежирим спорт кийимлари совға сифатида улашилди.

(Давоми 2-бетда).

### ТАДБИР

## Сифатли ва тезкор хизмат

ташкилотлар ҳамда тадбиркорларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаётгани билан аҳамиятидир

Бугунги кунда иқтисодийотимизнинг барча тармоқларида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлапти. Айтилишича, унга биноан, жорий йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишларига кўра, тегишли давлат ва ҳўжалик органларида бир қатор тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга оширишмоқда. Натижада ишбилармонлар ўзининг молиявий фаолиятини масофадан туриб бошқариш борабариди, вақтини ҳам, маблағини ҳам тежамқорлар.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРГА —  
БАНК КРЕДИТЛАРИ

2012 йил давомида республика тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга бизнес фаолиятини кенгайтириш учун

491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани, ўз навбатида, уларга ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

# Спортчи қизларга — Президент совғалари



Хурсонбек АРАББОВ (ЎА) олгон сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## АНДИЖОН

Фарзанд тарбияси юрт тарқати, жамият раҳнасида муҳим аҳамият касб этади. Шу

боис ҳам мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси тузилганидан буён ўтган давр мобайнида Андижон вилоятида 136 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 45 миллиард сўмдан зиёд маблағ

сарфланди. Уларни зарур инвентарлар билан таъминлашга эса 2 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Мана шундай юксак эътиборга жавобан вилоят ёшлари ҳам спортда қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Масалан, ўтган йили 5 минг нафардан зиёд андижонлик ўғил-қиз мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 1024 та медалга сазовор бўлди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёки спортга илк қадам қўётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 21061 нафар қизга спорт кийимлари совға сифатида топширилди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Айни пайтда вилоятда 25 мингга яқин қизлар спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Эгзу аъёнага мувофиқ, гузаллик ва нафосат байрами муносабати

билан умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган 15 минг 135 нафар спортсевар қизга Юртбошимиз совғалари топширилди.

— Бадий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Бекобод шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Эмиля Худойбердиева. — Ушбу спорт тури соғлом ва гузал бўлиб улғайишимизга ёрдам беради. Телевизор орқали қизларнинг халқаро мусобақаларда голибликка эришганини кўрганимда, уларга ҳавасим келади. Устозимиз “Астойдил ҳаракат қилсанг, сен ҳам ана шундай ютуқларни қўлга киритасан”, деб кўп айтдилар. Шу ниятда маҳоратимни оширишга интиляман. Ўтган йили республика миқёсидаги турнирда қатнашиб, жуда катта тажриба орттирдим.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат статистика қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган матбуот анжуманида давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ижросини таъминлаш, умуман, тизимда интерфаол хизматлардан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидландики, айни пайтда қўмитанинг расмий сайти орқали Ўзбекистон

## Сифатли ва тезкор хизмат

ташкilotлар ҳамда тадбиркорларнинг ўзаро алоқаларини мустақкамлаётгани билан аҳамиятлидир

Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроекономик кўрсаткичлари тўғрисида, корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига доир ахборотлар, электрон аризаларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш сингари олғига асосий ҳамда тўртта кўшимча давлат интерфаол хизмати тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, “Еш дастурчиларни қайта тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази” масъулияти чекланган жамияти билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам амалда ўз самарасини бераётди. Мазкур тизимда мавжуд 90 дан ортиқ электрон шаклдан 95 мингга яқин корхона ва ташкilotлар фойдаланиб, ўз ҳисобларини топширгани бунинг тасдиғидир. Жорий йилнинг июнь ойидан эса, барча давлат статистика хисоботлари шакллари электрон кўринишда тақдим этиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, фирма номларини электрон кўринишда захирага олиш тизимининг тақомиллаштирилиши ушбу йўналишдаги ишларни қисқа фурсатда амалга оширишни таъминлаётди. Буларнинг бари, ўз навбатида, статистик маълумотлардан фойдаланувчилар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада қулайлик яратаётди.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Шаҳрихон туманидаги “Кабель маркет” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган электр кабелларини бугун савдо дўконлари пештахталарида учратиш мумкин.

## Шаҳрихон кабеллари

19 нафар мутахассис меҳнат қилаётган корхона фаолиятининг дастлабки ойларида 3334 километр узунликдаги электр симлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Жамоа айни пайтда янги қувватларни ўзлаштириш ва шу йўл билан махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эътибор қаратаётди.

Ўров материаллари тайёрлаш йўлга қўйилгани боис янги иш ўринлари сони яна тўрт нафарга кўпайди.

Эътиборлиси, ана шундай эзгу сай-ҳаракатлар натижасида Шаҳрихонда ўтган йили барча тармоқлар бўйича 5861 иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Синтетик толадан газлама

Қизилтепалик тадбиркор Меҳридин Ўринов ўзи раҳбарлик қилаётган “Зарафшон тола интекс” масъулияти чекланган жамияти негизда синтетик толадан газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Пировадда корхонамизда ўн бешга яқин хотин-қизлар бандлиги таъминланди, — дейди тадбиркор. — Бунинг учун хоризждан қарийб 220 миллион сўмга замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатди.

Қизилтепа туманида ўтган йили 55,4 миллиард сўмдан ортиқ инвестициялар киритилиб, 2011 йилдагига нисбатан 26,5 фоизлик ўсишга эришилди.

**А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Муқобил энергия манбаи

Мирзаобод туманидаги Фанишер Юнусов номи сув истеъмолчилари уюмчаси худудида жойлашган “Баҳористон” қишлоқ врачлик пунктига “Samlex-800” русумли қуёш батареялари ўрнатилди.

— Электр энергиясига бўлган бир ойлик эҳтиёжми 1200 киловаттнинг таъминлаши — дейди мазкур шифохона раҳбари Муҳаббат Азимова. — Ушбу қурилма эса 800 киловатт энергия етказиб бераётди. Бу янгиликнинг қўлланлиши билан мусоабасамиздаги барча замонавий тиббиёт ускуналари билан самарали фойдаланиш ва аҳолига юксак малакали хизмат кўрсатиш имконияти юзга келди.

Сирдарё вилоятида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётган. Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятдаги мавжуд ҚВЛларга ана шундай батареялар ўрнатилиши билан йилига 200 миллион сўмлик маблағ тежаланади. Ускуналарга кетадиган сарф-харажат эса тўрт йилда ўзини оқлайди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

технологик жиҳатдан юқори самардорликка эга бўлган ўта замонавий ускуналарда қайта ишланиб, кукун ҳолида махсус ҳимоя қопламали идишларда қадокланаётди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда 2012 йилда 5311,9 миллион сўмлик сановат махсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан кимё сановатининг ўзига 18,4 фоизлик ўсишга эришилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## 2013 йил — Обод турмуш йили

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан “Атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

# Янги боғ ва гулзорлар

## юртимиз маҳаллалари кўрқига янада кўрк қўшмоқда

Унда давлат ва жамоат ташкilotлари вакиллари, пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятидаги маҳаллалар фаоллари қатнашди. Айтиш кераки, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда амалга оширилган орасталик ва ободлаштириш тадбирларида 8,5 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этиб, 49 минг гектардан ортиқ майдон обод ва кўркам жойларга айлантилди. Айни чоғда 20 минг километрдан зиёд ариқ ва лотоклар тўзаланди, 7 миллиондан кўп дарахтларга шакл берилди.

Шунингдек, маҳаллалардаги ички йўллар, йиғин бинолари ва гузарлар атрофида 2 миллионга яқин мевали, 4 миллиондан кўпроқ манзарали, 500 мингдан зиёд тўт, 2 миллион гул кўчати ўтказилгани эътиборга молик. Шу билан бирга, 6 мингдан зиёд тарихий

обидалар, муқаддас қадим-жолар ободонлаштирилди ва тартибга келтирилди.

— Бугунги кунда юртимиздаги ҳар бир маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари кенг кўламли давом этирилимоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавхар Алимова. — Масалан, сурхондарёлик ёшлар “Ҳар бир ёшга — бир кўчат” ташаббуси билан чиқиб, маҳалла гузарлари, ички йўллар ва бўш ётган ер майдонларига 254 мингдан зиёд манзарали, 190 мингдан ортиқ мевали, 75 мингга тўт, 258 мингдан кўпроқ гул кўчаларини экишди. Фарғона шаҳридаги қўллаб маҳаллаларда болалар майдончалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари ташкил этилиб, ҳозир бу ерларда кўкаламзорлаштириш

юмушлари бажарилмоқда.

Анжуманда Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия хашари кунлари Фонд ва фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳамкор ташкilotлар томонидан маҳаллалар худудларини ободонлаштириш ишлари юқори суръатда давом этирилиши таъкидланди. Айни чоғда “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар буйича маълумот берилди. Хусусан, мазкур ҳужжатда маҳалла ичидаги йўллар ва махсус ажратилган “яшил” майдонларга ҳар йили 15 миллионга манзарали ва 29,5 миллионга мевали дарахт, 10 миллион тўп буталар ва гуллар экиш белгиланган бўлиб, бу йилги баҳорги экиш мавсумида 10 миллионга яқин манзарали, 20 миллионга мевали дарахтлар, 8 миллиондан ортиқ гул кўчалари экиш кўзда тутилган.

Тадбирда атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилиш, ободонлаштириш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

**Закир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Шу азиз Ватаннинг бахтли қизиман

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибор ва ғамхўрликлари туфайли республика ҳамда халқаро майдонларда бўлиб ўтадиган мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаяпман. Ўтган йиллар мобайнида тўққиз бор Ўзбекистон чемпиони, шунингдек, Францияда ташкил этилган жаҳон кубоги мусобақаси голиби бўлдим. Евроосий олимпиада кубоғида эса 1-ўринни қўлга киритдим.

Муқофотларим ичида энг қадрли ва эъзозлиси Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўлди, десам, мулобағаси йўқ. Негаки, ўз она-Ватанимиздаги рағбат бебаҳодир. Бугун меннинг тенгдошларим орасида халқаро фан олимпиадалари, турли даражадаги танловлар голиби, жаҳон чемпионлари, маданият ва санъат йўналишларида юксак муваффақиятларга эришаётган истеъдодли қизлар бор. Уларнинг ҳар бири шу азиз юртимизга хизмат қилишни, эл қорига ярашни ўзларининг энг улуг мақсади, деб билишди.

Ишонч, эътибор ва рағбат бизни ҳар доим масъулияти бўлишга ундайди. Президентимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир сай-ҳаракат бизни юксак бунёдкорликлар сари чорлаши муқаррар. Қолаверса, бундай улкан ғамхўрлик шу азиз ва муқаддас Ватанимизнинг чин фарзанди сифатида унинг раҳнаси йўлида фидокорона меҳнат қилишга даъват этади.

**Сарвино ШАЙДУЛЛАЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Сурхондарё вилоятидаги Ангор педагогика коллежи ўқувчиси.**

## Агросаноат учун зарур хом ашё

Шаҳрисабз туманидаги “Шаҳрисабз олтингургурт” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш ҳисобида махсулот ҳажмини икки баравар оширишга эришилди.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

Корхонани ўз имкониятлари ҳамда банк кредити ҳисобида Германиядан олиб келинган, умумий қиймати 300

миллион сўмлик янги технологик ускуналар бир кунда 100 тоннагача олтингургурт қайта ишлаш ва қадоклаш им-

конини бермоқда. Бу олдинги ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 50 тоннага кўдир. Натижада корхонада 20 га яқин қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди.

Жамият раҳбари Учқун Ҳасановнинг таъкидлашича, қишлоқ ҳўжалиги ва саноатда кенг фойдаланиладиган ушбу кимёвий воситага ҳозирги кунда талаб катта. Вилоятдаги нефть-газ сановати корхоналаридан олинаётган бу хом ашё

мавқе бахш этади. Аёл ишлар экан, тадбиркорлик қилар экан, ўз малака ва билимларини ошириш ҳамда соҳасининг етуқ кишисига айланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида “Соғлом она — соғлом бола”

ни ривожлантириш, аёллар, шу жумладан, қизларни спортга жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Спорт мажмуалари, майдонлар қурилди. Ҳар бир ўқув максани, ҳар бир маҳаллада спорт тўғрисидаги ташкил этилди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ўнлаб иқтидор эгалларини кашф этаётди. Уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий фаоллашишида мазкур нуфузли мукофот катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон аёллари Халқаро аёллар ҳаракатида ҳам фаол иштирок этаётди. Олимлар, санъаткорлар, спортчилар, бошқа ҳисобларни юртимиз, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қиймати билан:

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юртимиз, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қиймати билан:

1 Австралия доллари	2075,41
1 Англия фунт стерлинги	3028,83
1 Дания кронаси	354,12
1 БАА дирҳами	552,90
1 АҚШ доллари	2030,73
1 Ислр фунти	300,60
1 Миср ливри	16,07
1 Украина гривнаси	254,06
1 Франция франки	653,28
1 Польша злотийси	639,54
1 СДР	3062,12
1 Туркия лираси	1125,06
1 Швейцария франки	2134,46
1 Евро	2625,48
10 Жанубий Корея вон	18,10
10 Япония иенаси	211,12

\*) Валюта қиймати билан қўйидаги Валюта нисбати Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги олмасан.

## ИФТИХОР

Инсон онгу шуурида ҳар бир сўзнинг сурати ўрнашган бўлади. Айниқса, аёл, она деганда кўз олдимизда доим фидойи, ҳамиша жонқур, яроғи ҳам, қалқони ҳам меҳр-муҳаббат бўлган сиймо гавдаланади. Аёл орзу-умидлари фарзанд қамоли, юрт тинчлиги билан туташ. У — эзгуликлар тартиб яшайдиган инсон.

# Маънавий камолот мезони

Шу боис қайси мамлакатда гузаллик, яхшилик қадрланса, меҳр-муҳаббат эъзозланса, ўша жойда, энг аввало, аёл, онага чукўр эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилади. Чексиз фахру мамнуният билан айталикки, бундай ҳурмати биз, аёллар ҳар доим теран ҳис қилиб келмоқдамиз. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан йўллаган байрам табрикларида ҳам ана шу юксак эҳтиром аёқол ақс этиб турибди. Айниқса, тадбирдаги ушбу сўзлар барчамизни тўлқинлантириб юборди: “Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини аёқол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб

яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадрли қизларини амалда намоеён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янгилишмаган бўламиз”.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида опа-сингилларимизга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бугун қай бир соҳани олиб қарайдиган бўлсак, фидойи аёлларимизнинг фаоллашиб бораётганини англаймиз. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини энгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари қўрилмаган аниқ чораларни таъкидлаган эди.

Бугунги кунда бу сай-ҳаракатлар натижасини амалиётда кўриб турибмиз. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласининг кун тартибига чиқishi уларда фуқаролик туйғусини жўш урдириб юборди. Бугун ҳар бир сиёсий партия қошида “Аёллар қаноти” фаолият олиб бормоқда. Пировадда аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам муносиб мавқега эга эканлигини намоеён этмоқда.

Ҳозир аёлларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган эътибор йилдан-йилга янги бошқига кўтарилиб бораётди. Биргина 2012 йилда хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Қолаверса, бу юртимизда аёлларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш йўлида рўёбга чиқарилаётган изчил ислохотлар самарасидир. Чунки иш аёлга фақат даромад эмас, нуфуз,

тамоийли ҳаётимизнинг асосий шўорларидан бирига айланади. Жаҳондаги бир қатор нуфузли институтларнинг тадқиқотлари кўра, Ўзбекистон дунёнинг 125 та етакчи давлати орасида она ва бола муҳофазаси, аёлларга яратилаётган қўлай шароитлар борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Тугурку ёшидаги аёлларни тиббий қўриқдан ўтказиш, ўсимир қизларни оилага тайёрлаш, болаларни эмлаш каби барча чора-тадбирлар она ва бола саломатлиги муҳофазасига йўналтирилган. Пировадда аёлларнинг ўртача умри 67 ёшдан 75 ёшгача ўзайди.

Бинобарин, 2011 йилда пойтахтимизда ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели” “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумда соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқларимиз катта эътирофга сазовор бўлди. Шубҳасиз, саломатликнинг асосий манбаларидан бири спортдир. Юртимизда болалар спорти-

ни ривожлантириш, аёллар, шу жумладан, қизларни спортга жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Спорт мажмуалари, майдонлар қурилди. Ҳар бир ўқув максани, ҳар бир маҳаллада спорт тўғрисидаги ташкил этилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида таъкидланганидек, бошқа йилларда бўлгани каби “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни янада мустақкамлашга қаратилган вазифалар алоҳида қайд этилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳаётни янгиловчи, насли давом этирувчи, оила иқлимини покиза тутувчи, фарзандлар камолотида пойдевор бўлувчи Аёл деб аталмиш мўътабар зотга қўрсатилаётган юксак эътибор, беқеъс ғамхўрлик самарасидир, албатта.

**Гулнора МАРУФОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.**

ЖАҲОН

24 соат ичида

Иш ўринлари қисқартирилади

Буюк Британиянинг "Barclays" банки маъмурияти мавжуд иш ўринларини қарийб 30 фоизга қисқартирмоқчи.



Ушбу масала юзасидан молия муассасаси бош директори Энтони Женкинс инвесторларга мурожаат қилган.

Унинг фикрича, "Barclays" рақобатга дош бера оладиган даражада чиқиши учун ортиқча харажатлар бунга эса айнан ҳодимлар сонини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Агар маъмур режа амалга оширилса, банк ишчилари сони 40 минг нафарга камайд.

Маълумот ўрнида айтиб ўтагимиз, ҳозир "Barclays" да 140 минг киши меҳнат қилади.

Нобель номзодларининг рекорди

Жорий йилги Нобель мукофотига номзоди кўйилганлар сони рекорд кўрсаткичга етди.



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, 259 нафар номзод ва 50 та ташкилот мукофотга даъвогарлик қилмоқда.

Бундан аввалги энг юқори кўрсаткич 2011 йилда қайд этилиб, ўшанда номзодлар сони 241 кишига етганди.

Маълумки, Нобель кўмитаси қондаларига биноан, номзодларнинг исм-шарифи мукофот топширилгунга қадар сир сақланади.

Агентлик хулосаси

"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Италиянинг кредит рейтингини пасайтирди.



Дитлари рейтингини "А-"дан "ВВВ+" даражасига туширилган.

Бунга Италияда ўтказилган парламент сайловлари натижаси ҳам таъсир қилган.

Агентлик таҳлиллари кўра, мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият иқтисодиётда мўҳим ислохотларни амалга ошириш имконини бермайди.

Ҳеч ким жабр кўрмади

Папуа ва Янги Гвинеянинг шимол-шарқидagi Лаэ шаҳрида зилзила содир бўлди.


Рихтер шкаласи бўйича 6,7 балл бўлган табиий офат натижасида ҳеч ким жабрланмаган, вайронлар кузатилмаган.

Шунингдек, ер силкиниши туфайли цунами хавфи ҳам қайд этилмади.

Папуа ва Янги Гвинея сайёрамиздаги сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани боис бу ерда тез-тез зилзилалар бўлиб туради.

Овоз ва товушларни қачондан фарқлаймиз?

Инсон дунёга келмасидан аввал, яъни она қорнидаёқ овоз ва товушларни фарқлай олади.



Бир гуруҳ нейробиологлар 28-32 ҳафталик эрта туғилган чақалоқларнинг ўрганиб, шундай хулосага келишди.

Мазкур тадқиқот иши "Proceedings of the National Academy of Sciences" журналида батафсил ёритилган.

Олимлар эрта туғилган гўдаклар олдига ёзувли овозларни қўйиб, миянинг қабул қилиш ҳолатини оптик спектрларни кузатиш асбоби ёрдамида таҳлил қилишди.

Натижада етти-саккиз ойлик чақалоқлар эркак ва аёлнинг овозини ажрата олиши маълум бўлди.

Ноқулай об-ҳаво

Перу жанубидаги Камана ва Арекипа шаҳарларини болғовчи йўлда автобус ҳалокатга учради.

"Би-би-си" хабарига қараганда, транспорт воситаси қуялқидан қулаб кетган.

Оқибатда 14 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган, яна 30 киши тан жароҳати олган.

Ғожиа ўша пайтдаги қалин туман туфайли юз берган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тараққиёт ва фаровонлик — пировард мақсад

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Молия муассасаларида

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номлангани ва бу борада Давлат дастури қабул қилингани бошқа соҳалар қаторида молия муассасалари зиммасига ҳам улкан масъулият юкляди.

Жорий йилда, шунингдек, филиал томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга 190 млн. сўм миқдорда истеъмол кредитлари, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун эса 300 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш ҳам мўлжалланаётгани диққатга сазовордир.

Умуман, филиал жамоасининг пировард мақсади — аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш.

Банк матбуот хизмати.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»

акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Сугурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача бўлган давр ичида сугурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат миқозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи миқозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолиблари 2013 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтади.

«Мингинчи миқоз» акциясига қўшилдингиз!

«Ўзбекинвест» — сугуртага ишонинг!

Батафсил маълумоти (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:

ПРОФЕССОР: Аънанавий ижрочилик (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Бастакорлик ва чолғулаштириш (1).

ДОЦЕНТ: Тилларни ўргатиш (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Аънанавий ижрочилик (1), Муסיкий педагогика (1).

КАТТА ЎҚИТУВЧИ: Бастакорлик ва чолғулаштириш (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Аънанавий ижрочилик (1), Муסיкий педагогика (1), Муסיқа назарияси (1), Камер-муסיқа ва концертмейстерлик маҳорати (1).

ЎҚИТУВЧИ: Аънанавий ижрочилик (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Оркестр чолғу ижрочилиги (1), Бастакорлик ва чолғулаштириш (1), Муסיқа назарияси (1).

КАФЕДРА МУДИРИ: Муסיқа тарихи ва танқид, Бастакорлик ва чолғулаштириш, Умумий фортепьяно, Аънанавий ижрочилик, Халқ чолғуларида ижрочилик, Муסיкий шарҳунослик, Махсус фортепьяно, Тилларни ўргатиш, Муסיкий педагогика, Эстрада ижрочилиги.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, Ходимлар бўлими. Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очик аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 12 апрель кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Қонимех тумани ЖИБ судининг 2013 йил 10 январдаги 1-102/2012-сонли ижро варақасига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан давлат фойдасига хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, «ВА3-2103» русумли, давлат рақами 23 Е 78-80 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 350 000 сўм. Мазкур мулк ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, ули сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 30 апрель кунини бўлиб ўтади.

2013 йил 27 март кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар ҳўжалик судининг ижро варақасига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 76-46 КПЕ. Бошланғич баҳоси — 618 443,1 сўм.

1950 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-150» русумли, давлат рақами 23 АЖ 110.

Бошланғич баҳоси — 662 547,6 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш

юзасидан такрорий савдо 2013 йил 12 апрель кунини бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Хамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида катнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иштироки қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73. Гувоҳнома № 004059.

«Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бургилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «К-67»га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.

Маҳсулот сертификатланган.

Шioriимиз — сифатли маҳсулот миқоз учун. Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03. Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz

# Обод турмуш фароғати



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иссиқ сув, совуқ сув, табиий газ — ҳамма-хаммаси бор. Шаҳардагидан сира қолишмайди. Бу йил неварам Фарангиз биринчи синфга боради. Уйимиздан атиги беш юз метр нарида 37-мактаб жойлашган. Биз, қишлоқ аҳлига шундай қулайликларни яратаятган Юртбошимизга раҳмат!

Айтиш керакки, Панобда намунавий лойиҳалар асосида 75 та уй-жой қурилган. Савдо шохобчалари мавжуд. Болалар спортини ривожлантириш жағмафаси вилоят филиали томонидан барпо этилган спорт майдончаси ёшлар ихтиёрида. Шундоқ йўл ёқасида яратилган беш гектарли интенсив боғ эса ушбу масканга ўзгача тароват бахш этиб турибди.

Эътиборлиси, янги массивларда инфратузилма ҳам жадал ривожланаяпти. Биргина ўтган йили уларга 37,8 километр узунликда табиий газ, 20,9 километрлик электр энергияси, 51,4 километрлик ичимлик суви тармоқлари тортилди. Маиший хизмат шохобчаси, новвойхона, қишлоқ врачлик пункти, мактаб каби жами 27 та ижтимоий объект фойдаланишга топширилди.

Бундай уйлارга эса талаб йил сайин ошиб бораётгани диққатга сазовор. Шундан келиб чиқиб, вилоятда 2013 йилда намунавий лойиҳалар асосида 730 та тураржой қурилиши режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур уйлarning умумий қурилиш қиймати 95 миллиард сўмни ташкил қилади. Танлаб олинган 33 та массивда салкам қирқ километр узунликда табиий газ, 45,8 километрлик электр энергияси, 39 километрдан зиёд масофада ичимлик суви тармоқлари барпо этилади. Қарийб қирқ километрдан иборат ички йўллар қурилади. Бешта савдо мажмуаси ҳамда битта гузар қуриш кўзда тутилган.

Бинобарин, Обод турмуш йилида яна юзлаб юртдошларимиз янги тураржойларга кўчиб ўтишади. Янги уйларида ҳовли тўйлари бўлади. Бу уйларида чақалоқ йиғиси янғирайди. Уларда юртимиз эртаси — баркамол авлод вояга етади. Демак, бу уйларида кут-баракат аримайди!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЭЗГУЛИК

Наврўз байрами муносабати билан «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти 20 февралдан 20 мартга қадар «Ўзбекистон — менинг уйим» мавзусидаги ободонлаштириш ойлигини ўтказмоқда.

«Ўзбекистон — менинг уйим»

Ушбу тадбир доирасида «Ойдин кўчалар», «Хар кишидан бир кўчат» каби акциялар ташкил этиляпти. Ободонлаштириш ойлиги юртимизнинг барча ҳудудларида ида бўлиб ўтади.

Форумнинг ҳудудий Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳомийлар ва тадбиркорларнинг бирлигидаги саъй-ҳаракатлари билан куни кеча Самарқанд вилоятида хашар ташкил этилди.

Бўш ётган катта бир майдонга 300 дан зиёд олма, нок ва гилос каби мевали дарахт кўчатлари экилди.

Шунингдек, кўчаларни ёритиш бўйича қатор амалий ишлар қилинди. Наврўз арафасида эса вилоят Жамоатчилик кенгаши ҳамда маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан Мурувват уйда истиқомат қилувчи нуронийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар топширилиши режалаштирилган.

**Фозила АШУРОВА.**

# Серҳосил ва эртапишар

Бу кўчатлар Самарқанд, Навоий, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари фермер хўжалиқларига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга, институт илмий ходимлари хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда узумнинг эртапишар ва серҳосил «Са-

марқанд», «Сўғдиёна», «Малика» каби янги навларини яратилди. Айни пайтда бу навларга хорижий давлатларда ҳам қизиқиш ортмоқда.

Бундан ташқари, Япониянинг JICA ташкилоти билан ҳамкорликда икки гектарлик модуль боғи

ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда шафтолининг «Акацуки» ва «Огонко», олманинг «Фудзи» навларини маҳаллийлаштириш борасида изланишлар олиб бориляпти.

**М. ЗИЁДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●



## O'ZSANOATQURILISHBANK

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

### «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

«Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»,  
«Касб-хунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,  
«Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси»,  
«Қишлоқ жойлардаги энг яхши бизнес лойиҳа»,  
«Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

### Йўналишларида

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

### Танлов лойиҳаси талаблари:

1	Танлов иштирокчиси:	Бизнес лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари
2	Бизнес лойиҳа мақсади:	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари, оилавий тадбиркорлик ҳамда тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
3	Лойиҳани молиялаштириш мақсадида ажратиладиган кредит муддати	3 йилгача
4	Танловни ўтказиш муддатлари	2013 йилнинг 1 апрелига қадар
5	Танлов натижалари бўйича голибларни эълон қилиш муддати	2013 йил 3 апрель
6	Танлов голибларининг тақдирланиши	Танлов голиблари имтиёзли фоизда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади



### Қўшимча маълумотлар учун минтақавий филиалларнинг кредит бўлимлари телефонлари:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қоракөл вилояти минтақавий филиали	(361) 141-71-48, 141-71-01	Фарғона минтақавий филиали	(373) 224-50-19, 224-85-03
Андижон минтақавий филиали	(374) 235-30-97, 235-20-99	Хоразм минтақавий филиали	(362) 224-12-44, 224-22-93
Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-57-36, 223-60-22	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371) 140-66-28, 140-66-29
Қашқадарё минтақавий филиали	(375) 223-22-12, 223-06-83	Амалиёт бошқармаси	(371) 120-45-72, 120-45-61
Навоий минтақавий филиали	(436) 224-53-91, 224-50-91	Самарқанд минтақавий филиали	(366) 233-44-01, 233-66-29
Наманган минтақавий филиали	(369) 234-32-90, 234-14-94	Сурхондарё минтақавий филиали	(376) 781-12-86, 272-73-73
Сирдарё минтақавий филиали	(367) 225-19-55, 225-07-40	Марказий амалиёт бошқармаси	(371) 239-10-18, 140-15-36
Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371) 259-22-62, 259-22-76		

Бош офис телефонлари: (371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20.

Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

## Ўзбек — испан алоқалари:

# Тарихга бир назар

Самарқанддаги Амир Темура мақбарасидан узок бўлмаган манзилдан Руи Гонсалес де Клавихо деб номланган кўча ўтади. Ушбу ноанъанавий кўшниччилик илдириларини XV аср бошларидаги ўзбек — испан дипломатия алоқаларидан қидириш лозим. Айнан шу даврда буюк давлат арбоби Амир Темура саройига Кастилия ва Леон қироли Энрике III эль Долиентенинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги делегацияси юборилган эди.

### ТАҚДИМОТ

Ушбу дипломатия миссияси машҳур тарихшунос олим, Мадриддаги Масофавий таълим миллий университети профессори Луис-Рехино Матео дель Пералнинг ўзбек — испан дипломатия алоқалари тарихи ва Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, шунингдек, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тарққиёти ва бой сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотдаги маърузасида батафсил ёритилди.

Ўзбекистоннинг Испаниядаги дипломатия миссияси ва Мадриддаги Кастилия Ла-Манча мустақил жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тақдимот маросимида иштирокчилар Испания илмий жамоатчилиги вакилларининг маърузаларини тинглаганлари баробарида, Ўзбекистон ҳақидаги аҳоийб ҳужжатли фильм намоишидан баҳраманд бўдилар.

Тақдимот ўтказилиши муносабати билан Испаниянинг машҳур нашрларидан бири «Эль Мундо» газетасида профессор дель Пералнинг «Қирол Энрике III элчиси Самарқанддаги Амир Темура саройига» сарлавхали мақола-си чоп этилди. Унда муаллиф Клавихо ўз даврининг муҳим шахсларидан бири бўлганлиги ва унинг элчилик миссияси муҳим тарихий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади.

Мақолада ёзилишича, Самарқандга делегация Трас-тамара сулоласининг энг доно беш подшоҳидан бири — кастилиялик Энрике III томонидан юборилган. Қирол ўз фуқаролари муҳаббати ва хурматини қозонган, адолатли ички ҳамда ташқи сиёсат олиб боргани ҳолда, давлатлараро узаро алоқаларни йўлга қўйган ва бундай муносабатларни қўллаб-қувватлаган. Миссия таркибига Клавихо

билан бирга, лотин, араб, юнон ва форс тилларини мукамал эгаллаган роҳиб ҳамда диншунос Фрай Алонсо де Сантамария Паес ва қирол танқоқчиси Гомес де Салазар киритилган. Саъхатчилар 1403 йил 23 майда Кадис яқинидаги Муэлас бандаргоҳидан жўнаб кетишган ва 1406 йил 24 март куни Алькала-де-Энарес шаҳрига қайтиб келишган.

Амир Темура кастилиялик элчиларни юқори эътибор билан қарши олган. Клавихо Самарқандда ярим йилга яқин истиқомат қилган ва катта хурмат қозонган. Маълумки, Ўрта Осиёга мазкур саъхат тасвирланган ҳамда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатлари тафсилотларини ўзида муҳрлаган элчининг кундалиги бугунги кундаги энг қизиқарли тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳозир ушбу кундалик Мадрид Миллий кутубхонасида сақланади.

«Жаҳон» АА.  
Мадрид

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 446 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси